

ГАЛЛА, АСКАРЛИК, ЕР ВА ТАЗМИНОТИ ХАРБИЯ

Тошкандда бўлатургон маориф курултойига кўшулмок учун Самарканд анжумани маориф жамияти тарафидан бормокчи эдим. 15 инчи июлда Самарканд мусулмон шўросига бориб, Тошкандга бормогимни билдуриб, агарда галла тўгрисинда менга бирор иш тобшурилса, бир жой(и) кегуришимни ифода этдим. Мусулмон шўроси хам галлаларнинг забти ва кўлга олинишига мукобил экан. Шунинг учун аввало маним фикримни эшитиб, фойдали билиб, сўнгра ман билан Тошканддаки Ниёзуф отига мандат (ваколатнома) бердилар.

16нчи июлда Тошкандга кирдим. Йўлда вагўнда одам кўблиги учун ўтуриб бордик. Онда бориб Ниёзуф билан бирга хозирги Туркистон "хукуматининг раиси Тобулин афанди хузурига кирдик. Ва ушбу тубандаги масъалалар тўгрисинда сўйлашдук: 1) галла; 2) аскар олиш; 3) тазминоти харбия; 4) ер ва сув масъаласи.

Хозирги ҳукумат ва хам Туркистон мусулмонларининг нафъи нуктаи назаридан юкоридаги масъалалар хусусинда эътидол ва осон йўлларни кўрсатиб, таклиф этдим ва ўзимни йигирма йиллик мухаррирлик ва журналистлик, 25 йил халк ишига аралашиб ва бир неча дафъа саёхат этиб, дунё ва мусулмон, хусусан, Туркистон мусулмонларининг тирикчилигига хосил этган тажрибам юзасиндан хулоса ва салохияти ватан ва Туркистоннинг тинчлиги номига бир хейли таклифотда бўлдум. Туркистоннинг хозирги дохийий ва хорижий душманлари ахволини ва халойикнинг ахволи рухия ва эътикодия ва маишиясига бир оз бўлса хам ахамият бермак ва риоя килмок кераклигини билдирдим.

Тобулин афанди бу сўзларга ахамият бергандек кўрунди. Ниёзуф билан Жўрабойуф афандилар хам хозир эдилар ва маним сўзларимни тахийя этдилар. Юкоридаги масъалалар тўгрисинда таклифларимнинг хулосаси шу эди:

Биринчи, галлани тамоман ва ўзига заруридан бошқасини ҳукумат бутун ўз кўлига олиб, галла олиш ва сотишни, галла бозорини, хатто, хусусий нонвойхоналарни манъ килмок ва бу ҳақда лойиха тузмак учун мамлакат озука комитетлари тарафиндин сиезд чакирилгон экан. Бул тўгринда маним таклифим шу бўлдики. Бозор очик бўлсун, аммо вилоят ва уезддан галла чикорилмасун ва омбордорларнинг галла олиши манъ

килинсун. Такса (катъий бахо) асло бўлмасун. Факат галла эккан дехконлар бир ботмон экилган ердан тўрт пуд галла такса юзасиндан берсунларким, бу хам, аввало, дафтар бўлуб, сўнгра берилсун.

Иккинчи, аскар масъаласидирки, бу хар нарсадин мухим ва мунинг умумий бўлуши лозим. Аммо мусулмонлар хануз шунга ўрганмаган ва хам дохили фитначилар кора халкнинг фикридан фойдаланиб, эхтимолки, баъзи бир фитналарга сабаб бўлсалар. Ва хам номаълум ва сиёсатан фикри билкулли нотўгри кишилар кўлига ярок ўтуб, эхтимолки, кутулмаган ёмон ходисалар пайдо бўлса. Шунинг учун таклиф киламанки, то халк ўрганиб, биров ахвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, кўнгилли тарикинда таргиб ва ташвик билан хам халкнинг ахволига караб олинса эди. Чунки...

Учинчи, тазминоти харбия масъаласидирки, бу Туркистоннинг хар ериндин зиёда Самаркандда хукм сурди ва Самарканднинг бойлари бошка жойлардан оз бўлса хам рус, яхудий, мусулмонлар ёлғиз Самаркандда саккиз миллийун кадар тазминот ва уч-миллийун кадар очлик солиги бердилар ва бу каторда баъзи камбагал ва паст холли кишилар хам жабр кўрдилар. Мунинг таксими устинда баъзи бир одилсиз ва инсофсиз кишилар туруб ришватхўрликлар хам бўлиб ўтди. Хулоса: хар холда Самарканддин янгининг тазминоти олинмаса эди. Чунки хозирда маъишат ва сиёсат осойишталикни талаб этадур. Халк хам очлик ва кимматчилик ва шунга ўхшаш огирликлардан хориган ва асабийлашгандур. Окча керак бўлса, бошка йўллар билан солиг тарикинда тўпланмоги мумкиндур.

Тўртинчи, ернинг таксими масъаласидурки, баъзи бир агарчи кичик дехконларники бўлса-да, таксим килинмокчи ва балки таксим бошланибдур. Баъзи бир кичик дехконларнинг галласини хам тамоман забт килмокга карор килгон жойлар хам бор экан. Холбуки бул бобда хануз Марказий Туркистон ҳукуматидан бир амр йўк экан. Шунинг учун бу ишларни Марказий ҳукуматнинг чикаргон конунидан сўнгра килинса эди. Мана ушбу ишлар хам хозирги ҳукуматнинг сиёсатига зарарликдур. То таъкикланиб Туркистоннинг умум халки ва ери истатистик хисоби-ла рўйхат бўлиб, конуний бир карор чикарилгунча, кичик дехконларнинг ва кичик тегирмон ва кичик корхона ва устахоналарнинг «нотсиёлизатсия» си (ёинки таксими) мавкуф (тўхтатиб) колдурилса эди. Холбуки, Туркистонда, бохусус бизнинг Самаркандда ери кўб киши ниҳоятда оз бўлуб, ерлар аксарияти ила дехкон ва майда мулкдорлар кўлиндадур.

Хозирги ҳукуматнинг раиси Тобулин афанди билан музокарамир икки дафъа бўлуб, бир соатдин зиёда чўзилди. Тобулин афанди юкоридаги масъалаларнинг мухимларини ёзиб олиб, яхши ваъдалар берди. Галла иши сиёзидида бўлур, деди. Самаркандда аскарнинг

кўнгилли равишда олиншига ва янгидин тазминот олинмаслигига ва ҳам ер таксимини мавкуф қоилишга фикри бирлигини сўйлади. Ва бу тўғрида тадбирлар кўрарга ваъда этди. Ва ҳозирги таксимнинг нотўғрилигини сўйлади. Самарканддаги доираларга бул тарзида қогоз юбормақни ҳам ваъда этди. Хулоса: сўзимни яхши тинглади ва яхши қаради. Ман шундай билдимки, маъқул сўзни болашавик ҳуқумати эшитар экан, айб ўзимиздаки кўшулмаимиз ва узулук йўриймиз.

Галла тўғрисиндаки ишни тамом этмақ учун Ниёзуф билан «Туркистон ўрток қурултойи»га бордик. Кўб музоқара ва сўзлардин маълум бўлдики, бир қисм аъзоларининг фикри шулки: Туркистон бутун галлаларни эғасининг ва деҳқонларнинг ўзига қифоя қилатургон овқатиндан бошқасини бир ерда жамлаб, сўнгра хар қимга муқарраридек бир қадокдин яқун ва оз бермақчи ва бутун галла бозорини, ҳатто, ҳусусий нонвойхоналарни берқитмақчи эканларки, бу ишларни аввалдан «пализатсия» номини эшитгандин маълум бўлуб эди. Муниг Туркистон аҳлининг маъишатиға тўғри қелмаслиги ва галлаларнинг ер остиға қириб қетиши, Бухоро ва бошқа тарафдин қелмаслиги, хулоса: нарх ниҳоятда қўтарилиб, қамбағалларға ва балки бутун ҳалойиқға зарар ва машаққат бўлурга мунй бир неча дафъа такса тайинланганда натижаси қўрулди. Агарда галла олинмоқчи бўлунса, уйлар ва ҳовлилар ахтарилиб маъмурлар билан халқ орасинда баъзи қутилмаган ҳодисалар қиқиб қолса ажаб эмасдур.

Хулоса: қўб сўйланганум сўнгра бизнинг тақлифимиз бироз ўзғартирилиб икки қунги мажлисдан сўнгра шул равишда қабул қилинди. Чунонқи, бир дисатин (яъни- тўрт таноб) гача экин эккан қиши ҳеч нима бермайдур. Бир дисатиндин ўн дисатингача хар дисатинасидан тўрт пуддин берадур. Ўн дисатиндин 50 дисатингача экканлар хар дисатинасидан саккиз пуддин, юз дисатиндин ортуқ экканлар хар бир дисатиндан 10 пуддин берарлар. Ва бу олингон галлалар муфт—тегин олинмайдур, балки такса тайинланиб пул тўлаб олинур. Ушбу тақлифим унга мақбул 37 қишининг товуш ва икки қишининг бетарафлиги ила қарор берилур. Нарҳиға қелгунча ихтилоф бўлди. Бошқалар 30 сўмдин 15 сўмгача тақлиф этибдурлар ва эҳтимолқи хар вилоятнинг тақсаси бошқа бўлса ва маҳаллий шўроларға такса иши ҳавола қилинса. Мана биродарлар, Тошқандға бориб қилгон ишимиз шудир. Бу майда-чуйда галлаларни роқилиқ билан берсақ керак. Ўшандок онбордорларнинг галла олмақидин ўзларини сакламоқлари керақдур. Чунқи онбордорларнинг галласини, эҳтимолқи, тамоман забт қилинса.

Маним юқоридаги тақлифим бутун Туркистон учун қабул қилинди ва ўз фикримча, Туркистонли ватандошларимнинг буни қон ва қилдин қабул этиб, тезлик билан беришлари лозимдур. Агарда умумдан галлани олмақға қарор бўлинса эди, ман халқнинг устиға бўлатургон қулфат ва оғирлиқдин ниҳоятда қўрқар эдим. Хар қимнинг уйи охтарилур эди ва балки ёмон ҳодисаларға сабаб бўлуб, моли ва қони қўб зарар бўлишини ўйлардим. Лекин, алҳамдулиллоҳ бу тақлиф қабул қилинди ва Туркистон учун

миллиардларча зарар ва балки бизнинг андоза фикриямиз ҳам ташкари зарар ва кулфатларнинг йўлини бу таклиф ва қарор боғлади. Агарда умум тарафиндан бу таклиф ва қарор яхшилик билан қабул этилиб, кам ва зиёдасиз ижро қилинса, ўзимни хушбахт санар эдим. Мухтарам уламо, ҳазрати ва аҳли фикр бу таклифни аҳли халқга тушунтуруб тездан ўрунга келтирмакликнинг нафъини ҳалойикга онглатсалар эди. Шунинг ҳам билмак керакки, бир десатин, яъни тўрт танобга экилган галладан ҳеч бир нарсани олинадур. Мева ва бедзор, ер олмаси (картошка), сабзи ва бошқа шуларга ўхшаш нарсани олимай, фақат галла, яъни дони экилган ерларнинг олинандур. Туркистоннинг баъзи ерларинда бир десатин 4 таноб ва баъзи ерларда 6 таноб ҳисобланадур. Аммо ҳозирги қоидага десатин ҳисоби ила яъни бир танобни 300 соржин ҳисоблаб олинур. Бир таноб 400 соржинлик жойлар бир ярим танобга бир пуд галла термалар. Бир десатин 3400 мураббаъ (квадрат) соржундур.

Фикримча, лозимки ҳар даҳа ва кишлок учун махсус комиссия сайлануб, ҳар қимнинг неча таноб ерда нима эккани, аввало, рўйхати ва ўлпон солиқ дафтаридек рўйхат бўлуб, уезд комиссорианинг ва бу тўғридаки алоҳида бош комиссиянинг мустақкам этишидан сўнгра, галлани йиғиштуруб, ҳар бир дехқонга махсус дафтарда босма санад (ҳужжат) берилса эди. Токи, ҳиёнат бўлмасун. Албатта, бу иш тўғрисида ҳар уезд ва вилоят учун алоҳида бош комиссия тайинланса лозим. Ҳар вўлустнинг галласи ўзинда тўпланиб керакинча бошқа жойларга олинур.

Биз ҳозир бўлгон Тошканддаги Туркистон ўлкаси ўрток қурултойига ҳар уезд шўроларидин уч нафардин киши чақирилгон экан. Сирдарё ва Фарғонадин бир неча нафар мусулмон бор эди. Аммо бизнинг Каттакўргон, Хўжанд, Жиззах ва Самарканд уездининг биргина нафар ҳам мусулмон йўқ эди. Демакки, хануз халқимиз уйқуда бўлуб, ўз нафъи ва зарури учун қайгурмай, болта келгунча қундадек ётадур. Устига бир йўқни қўйгондан кейин дод дейурга ул вақтда иш ўтган бўлур. Бу ёмон одатни ташламок керак. Замон бошқа замондур.

Тошканднинг барча расмий комиссориати ва ҳукумат доиралари ҳозирда қайнайдур. Ҳар биринда Туркистон учун зокун (қонун) лойиҳалари тузилмоқдадур. Бир неча мажлисга қаминани таклиф этдилар. Баъзисига боролдим. Мусулмон тилини русий ҳукумат тили этмак мажлисига ва ҳам Туркистон учун миллий комиссориатлар қонунининг музоқараси мажлисига бир неча дафъа бордим ва лойиҳалари боб-боб ўқулуб, бизнинг таклиф ва тасхиларимиздин баъзиси қабул қилинди. Агарда одам бўлса, миллат нафъига ишланатургон ишлар қўб экан.

Туркистон мактаб ва мадрасалари, вақф ва қозихоналар учун лойиҳалари

тузилмакдадурки, бизнинг ахли фикр ва донишларимизнинг иштирок этмаклари лозимдур. Мусулмон шўроларимизга вожибдурки, шундай ишлар учун одам — делегат талаб килинганда салохиятлик ва муносиб кишиларни сайлаб юборсалар. Хозирги ҳукуматга одам керакдурки, муни иш устундагилар ҳам сезибдурлар. Чунончи, ҳукумат аъзоларининг бир мажлисинда Эрон ва Афғонистон давлатларига кўнсул юбормак масъаласи кўзголиб, баъзи рус ва мусулмонлар бу хизмат учун мани муносиб кўруб юбормакчи бўлгонлар эканки, ман буни эшитиб, нохушлигим учун сафар машаккатини кўтара олмаслигимни баён этдим. Зотан мен мактаб ва мадрасалар учун бўлатургон курултойга борган эдим. Йўлларнинг боғлангони учун курултой мавкуф колди. Бовужуд шул бултургидаги комиссияга бордим. Мадрасалар прўгромамасини кўруб бир оз зичлаштирмокга таклиф этдим. Чунки мутасарруф прўгромадаки дарсларни мадрасаларга киргузмак билан ундай дарсларни айтатургон мударрислар йўқдур... Фаннинг ибтидоий таълимини кўрмаган кишига киргузуб таълим бермакдин фойда чикмайдур. Охиринда шуни моъал-таассуф икром этаманки: сиёсий, илмий, маиший ва аскарый йўлларда замон биздин кўб ишлар талаб этадур ва бу ишлар чун замонимиз мусоиддур. Аммо бизда ишлайтургон одам ниҳоятда оз ва бори ҳам ишламайдур ва ёинки эгри кетадур. Бу фурсатлар ўтганларидек ўтуб кетар. Сўнгра пушаймонликдин бошка кўлда бир нарса колмас, масалан, хозирда аскарый ва илмий ишлардан кочамизким, бу, бир боланинг мактабдин кочгонининг ўзгинасидур.

«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 2 август.